



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Бухоро тумани

2023 йил 25 январь

4-2001-2305/15-сонли иш

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси Д.Чориевнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Сувоновнинг котиблигида, аризачи Ўзагроинспекция Бухоро туман бўлими вакили И.Туксанов (ишончнома асосида), М.Жамолов (ишончнома асосида) ва учинчи шахс Бухоро туман ирригация бўлими вакили З.Жумаева (ишончнома асосида)ларнинг иштирокида, аризачи Ўзагроинспекция Бухоро туман бўлимининг жавобгар «Муин Мирхон» фермер хўжалигига нисбатан 3.741.400 сўм жарима санкция қўллаш ва ундириш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни Бухоро туманлараро иқтисодий судининг биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, куйидагиларни

аниқлади:

иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзагроинспекциянинг Бухоро туман бўлими (кейинги ўринларда матнда “аризачи” ёки “инспекция” деб юритилади) ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилиб, «Муин Мирхон» фермер хўжалиги (кейинги ўринларда матнда “жавобгар” ёки “фермер хўжалиги” деб юритилади)га нисбатан 3.741.400 сўм жарима санкция қўллаш ва ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 12 январдаги ажрими билан ишга Бухоро туман ирригация бўлими (кейинги ўринларда матнда “учинчи шахс” деб юритилади) низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакиллари даъвони қувватлаб, судга ариза билан мурожаат қилгандан сўнг ҳам жавобгар молиявий жаримани тўламаганлигини билдиришиб, суддан даъво талабини қаноатлантиришни сўрашди.

Суд мажлисида иштирок этган учинчи шахс вакили даъво асосли эканлигини, жавобгар шартнома расмийлаштирмасдан сувдан фойдаланиб келганлигини, шунингдек сунъий балиқхона ташкил қилганлигини билдириб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда “ИПК” деб юритилади) 220-моддасининг биринчи қисмиға кўра, суд



ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Суд, ишни ИПКнинг 220-моддасига асосан жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Иш ҳужжатлари ва даъво аризасидан аниқланишича, фермер хўжалиги Бухоро шаҳри “Отбозор” худудида ташкил қилинган, фермер хўжалиги раҳбари М.Каримов томонидан 2022 йил суғориш мавсуми учун сув ва сувдан фойдаланиш бўйича шартнома расмийлаштирмасдан, сувдан фойдаланиб келган ҳамда фермер хўжалиги раҳбари сунъий балиқхона ташкил этган. Фермер хўжалиги ер майдонига такрорий экин сифатида режада кўрсатилмаган сувга талабчан шоли экини экиб, экилган шоли экинлари мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаган шоли экини уруғлари экилган, ушбу шоли экини суғориш учун “Мавлабиён” ариқ сувидан фойдаланиш натижасида 41460 м³ сувлардан ноқонуний фойдаланиб истеъмол қилинганлиги аниқланган.

Инспекция томонидан тасдиқланган 2022 йил 28 июлдаги 60-сонли буйруғи ва 1-иловага мувофиқ ташкил этилган текшириш гуруҳи билан Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Бухоро вилоят Девои вакили (Омбудсман) руҳсатида асосан, фермер хўжалигига тегишли экин экилган ер майдонларида сув ва сувдан фойдаланиш аҳволи юзасидан текшириш ўтказилган.

Текшириш натижасида Бухоро туман Ирригация бўлимининг 09.08.2022 йилдаги 152-сонли маълумотнома ва хулосасига асосан фермер хўжалиги раҳбари М.Каримов томонидан 2021-2022 йил суғориш мавсуми давомида Сув ва сувдан фойдаланиш бўйича шартнома расмийлаштирмасдан сувдан фойдаланиб келганлиги, олинган сувлар олди берди дафтарларга қайд қилмасдан, бундан ташқари кузги қишқи шўр ювиш ишларини бажаришда суғориш агротехникасига амал қилмай сувни қаровсиз қолдириш натижасида 41.460 м³ сувни “Мавлабиён” ариқидан ўзбошимчалик билан ноқонуний фойдаланганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 114-118-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги Низомига ва 2022 йил 10 августдаги 64-сонли далолатнома ва тузилган “ҳисоб” билан жавобгарга 3.741.400 сўм жарима санкция ҳисобланган ҳамда фермер хўжалиги раҳбари хабардор қилинган.

Жавобгар молиявий жарима суммасини ихтиёрий равишда тўламаганлиги учун аризачи томонидан 2022 йил 24 октябрдаги 284-сонли талабнома фермер хўжалигига почта хизмати орқали юборилган. Бироқ жавобгар томонидан ушбу ҳужжат оқибатсиз қолдирилган.



Шу сабабли инспекция судга ариза билан мурожаат килиб, фермер хўжалигига нисбатан 3.741.400 сўм жарима санкция қўллашни ва ундиришни сўраган.

Иш хужжатларига кўра, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2022 йил 21 октябрдаги қарорига асосан фермер хўжалиги раҳбари ҳуқуқбузар Каримов Мирхон Муминовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда матнда “МЖтК” деб юритилади) 74-моддасининг 2-қисми ва 104²-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топилган ва унга маъмурий жарима жазоси тайинланган.

МЖтКнинг 74-моддаси 2-қисмида сунъий сув оқимлари (очик ва ёпик каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

МЖтКнинг 104²-моддаси 1-қисмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек агросаноат мажмуи соҳасида технологик жараёнлар талабларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19.03.2013 йилдаги 82-сон Қарори қабул қилинган. Ушбу Қарор билан тасдиқланган Низомнинг 59-бандига кўра, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахслар МЖтКга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Шунингдек, мазкур Низомнинг 60-бандига кўра, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан улар томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун сув олиш тартиби бузилган тақдирда:

сув истеъмолчилари томонидан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун — лимитдан ортиқча олинган ҳар минг куб метр сув учун — белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш сув олишга рухсат этилмаган жойлардан, шунингдек, шартнома тузмасдан сув олганлик учун — олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасиз сув олганлик ёки сувдан фойдаланганлик учун — олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдорида;



сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун — олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида жарима санкциялари қўлланилади.

Аризачининг арз қилинган талаблари ишдаги мавжуд далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Қайд этилганларга кўра, суд мазкур ишни кўриш мобайнида аниқланган ҳолатлар ҳамда таъкидлаб ўтилган қонунчиликка асосланиб, аризачининг талабини асосли деб ҳисоблайди ҳамда уни қаноатлантиришни ва жавобгарга нисбатан 3.741.400 сўм жарима санкцияси қўллашни ва ундиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорида мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иктисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Шу сабабли суд, аризачининг аризаси қаноатлантирилганлиги сабабли, тарафларнинг давлат божи тўловидан озод эканлигини инобатга олиб, уни ундирмасликни, шунингдек олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажатини жавобгардан инспекция фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда ИПКнинг 118, 220, 176-179, 186 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қарор қилди:

Аризачининг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар «Муин Мирхон» фермер хўжалигига 3.741.400 сўм жарима санкцияси қўлланилсин ва ушбу жарима санкция суммаси аризачи Ўзагроинспекция Бухоро туман бўлими фойдасига ундирилсин.

Тарафларнинг давлат божи тўловидан озод эканлиги инобатга олинсин.

Жавобгар «Муин Мирхон» фермер хўжалиги ҳисобидан аризачи Ўзагроинспекция Бухоро туман бўлими фойдасига олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ичида қонуний кучга кириши қайд қилинсин ҳамда ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида Бухоро туманлараро иктисодий суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириш) мумкин.

Судья

Д.Чориев

